

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА № 12/01**

2022 йил "19" январ

Чуст шаҳри

“Чуст туман Ирригация бўлими”нинг куйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **Б.Н.Джафаров** шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефт базаси” МЧЖ Чуст филиалининг куйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи номидан фаолият юритувчи директор **Ш.Эргашев** шахслигида, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эhtiёжларига асосан тузилган ва куйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (кг)	1 кг (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича								
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак		
				кг	Тахминий сумма	кг	Тахминий сумма	Кг	Тахминий сумма	кг	Тахминий сумма	
Автобензин АИ-80												
Дизел ёнгилиси	877	11 400	9 997 800	87 7	9 997 800							
ЖАМИ:	877	11 400	9 997 800	87 7	9 997 800							

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **9 997 800** (Тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон етти минг саккиз юз) сўмни ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, маҳсул автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қўйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи»га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молийвий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қўйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида

олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт махсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қодалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт махсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, махсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан махсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига қўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт махсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишночномасига мувофиқ махсулотни ёқилғи тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган махсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг махсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Махсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траснпортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда махсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефт махсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Махсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, махсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт махсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъғаланади. Таъғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига бичуоан амалга оширилади.

2.9. “Етказиб берувчи” нефт махсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топширикнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун хақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини кўшиб шаклланидиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

2.10. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

2.11. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб-китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Нефт махсулотлари етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.7. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.8. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этилмайди.

6.9 Ушбу шартнома бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Хар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,
- нефтнкайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____

9. НИЗОЛАРНИ ҚУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг ҳудудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган қундан кучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Тўрақўрғон нефтбазаси»
МЧЖ Чуст филиали

Манзил: Чуст темир йўл бекати

Х/р: 22604000204267762705


МФО: 00432 ИНН: 204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш.Яшнабод филиали

тел: (95) 300-15-47

Директор:  Ш.Эргашев

Бош ҳисобчи:  М.Ибрагимов

ИСБМ:  А.Хошимов

«Истеъмолчи»

Чуст туман Ирригация бўлими

Чуст ш.Чустий кучаси 92-уй

ШХР:100022860142377042402170001

Марказий Банк ХККМ МФО: 00014

ИНН: 207263557 Чуст туман Газначилик

бўлими Х/р:23402000300100001010

МФО:00014 ИНН:201122919



Раҳбар:  Б.Джафаров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**
№ ZQ50061018

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Neft mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Chust tuman irrigatsiya bo'lii tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 19-yanvar kunida kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



U.Homidov

2022-yil 20-yanvar